*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 131 (6735).

2 ИЮЛЬ ЖУМА

1976 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ районидаги «Гулистон» колхози ғаллакорлари ўрим-йиғим суръатини кун сайин оширмоқдалар. Суратларда: (юқоридан ўнгда) ғаллачилик бригадаси бошлиғи Мухсин Беков (ўнгда) ва механик Ўринбой Исмонлов ўртоқлар буғдойзорда. (Чанда). янги янчилган ғалла тайёрлов пунктига жўнатиш олдидан тозаланмоқда. (Пастда) ғалла ўрими пайти.

А. Абалян фотолари.

## ЕВРОПА КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

Европа коммунистик ва ишчи партияларининг конференцияси 30 июнь куни ўз ишини тамомлади. Иккинчи кун давомида конференция мажлисларида қуйидаги коммунистик ва ишчи партияларининг вакиллари сўзга чиқдилар: Югославия Коммунистлар Союзидан — ўртоқ И. Броз Тито; Швеция Коммунистлари — сўл партиясидан — ўртоқ Л. Вернер; Германия Бирлашган Социалистик партиясидан — ўртоқ Э. Хонеккер; Италия Коммунистик партиясидан — ўртоқ Э. Берлин-гуэр; Люксембург Коммунистик партиясидан — ўртоқ Д. Урбани; Португалия Коммунистик партиясидан ўртоқ А. Куньял; Франция Коммунистик партиясидан — ўртоқ Ж. Марше; Норвегия Коммунистик партиясидан — ўртоқ М. Г. Кнутсен; Сан-Марино Коммунистик партиясидан — ўртоқ Э. Гасперони; Венгрия Социалистик ишчи партиясидан — ўртоқ Я. Кадар сўзга чиқдилар

Мажлисларда қўйидаги ўртоқлар раислик қилдилар. Ж. Марше (Франция Коммунистик партияси), Х. Флоракис (Греция Коммунистик партияси), Г. Макленнан (Буюк Британия Коммунистик партияси), М. О. Риордан (Ирландия Коммунистик партияси), М. О. Риордан (Ирландия Коммунистик партияси).

Конференция ўз ишининг охирида «Европада тинчлик, хавфсизлик, ҳамкорлик ва социал тараққиёт учун» деган якунловчи ҳужжатни қабул этди ва уни эълон қилишга қарор берди

Конференция амалий, ўртоқлик вазиятида ўтди.

Коммунистик ва ишчи партияларининг конференциясида иштирок этган вакиллари конференция ифодалаган мақсадларнинг амалга оширилиши барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади ва бутун планетамизда тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социализм ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади, деб ишонч билдирдилар. (ТАСС)



## Европа коммунистик ва ишчи партиялари конференцияси иштирокчилари шарафига қабул маросими

БЕРЛИН, 30 июнь. (ТАСС). Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети Берлинда Европа коммунистик ва ишчи партияларининг конференциясида қатнашган қардош партиялар делегациялари шарафига республика саройида қабул маросими ўтказди.

Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Э. Хонеккер қабул маросими иштирокчиларини табриклаб, бундай деди: Биз воқеаларга бой кунларни бошимиздан кечирдик. Европадаги 29 коммунистик ва ишчи партияларининг раҳбар вакиллари Европада тинчлик, хавфсизлик, ҳамкорлик ва социал тараққиёт учун курашнинг асосий масалаларини муҳокама қилдилар ва ўзларининг интернационалистик бирдамликларини, ўзларининг жипсликларини мислсиз даражада изҳор этдилар. Бизнинг учрашувимиз қитъамиздаги халқларни қизиқтириб турган муҳим масалаларни ҳал қилди.

Биз, коммунистлар Европадаги ва бутун дунёдаги халқларнинг бахт-саодати йўлида зарур бўлган ҳамма ишларни бажаришга қатъий ахд қилганлигимизни равшан изҳор этдик.

Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети номидан Европадаги коммунистик ва ишчи партияларнинг шу ерда ҳозир бўлган раҳбар намояндаларига қардошларча салом топшираман ва бизнинг муштарак ишимиз —тинчлик, демократия ва социализм иши учун олиб бораётган курашимизда янги-янги муваффақиятларга эришувларини астойдил тилайман.

Ўртоқ Э. Хонеккер Европа коммунистик ва ишчи партияларининг қардошларча жипслигини, уларнинг барча тинчликсевар ва демократик кучлар билан биргаликда ҳаракат қилишини, улар олдига қўйилган мақсадларнинг муваффақиятли бажарилишини тилаб қадаҳ кўтарди.

КПСС делегациясининг бошлиғи КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев жавоб нутқи сўзлади.

Бугунги кун бизнинг ҳаммамиз учун катта, унутилмас кундир, деди у. Европа қитъасидаги коммунистик ва ишчи партиялари конференцияси ўз ишини тамомлади.

Шу кунларда биз эшитган нутқлар социализм ва демократия кучларининг империализмга ва реакцияга қарши олиб бораётган курашининг сиёсий мазмун билан бой кенг манзарасини тасвирлаб берди. Биз ҳаммамиз фикр-мулоҳаза қилиб кўриш, амалий хулосалар чиқариш учун зарур кўп нарсаларга эга бўлдик.

Биз қабул қилган ҳужжатда Европадаги аҳвол марксча-ленинча чуқур таърифлаб берилган ва энг муҳими шундаки, бу ҳужжатда курашнинг пухта ишлаб чиқилган, биргаликда белгиланган мақсадлари ҳам баён этилган. Айтиш мумкинки, бизлар олға қараб—тинчлик, хавфсизлик, ҳамкорлик ва социал тараққиёт ҳукмрон бўлган Европа сари олға қараб ҳаракат қилиш учун яхши йўлларни биргаликда белгилаб чиқдик. Биз, айни шу мақсадлар учун курашга тайёр турган ҳамма кишилар билан шу йўлдан биргаликда боришни истаймиз. Мен ўйлайманки, конференциямизнинг Европа тарихида чуқур из қолдириши учун мана шунинг ўзи кифоя.

Лекин конференциямиз яна бир жуда муҳим самара ҳам берди. Конференция партияларимизнинг бир-бирларининг мустақиллигини ҳурмат қилган ва биз олиб бораётган курашнинг шарт-шароитидаги тафовутларни тушунган ҳолда янада самаралироқ ҳамкорлик қилиш, янада мустаҳкамроқ бирлашиб ва жипслашиб ҳамкорлик қилишни истаганлигини кўрсатди.

Азиз ўртоқлар, дўстлар! Менинг фикримча, муштарак мақсадлар учун курашда муваффақиятларга эришганлигимиз билан бир-биримизни табриклашга ва бир-биримизга катта-катта муваффақиятлар тилашга тўла равишда ҳақлимиз.

Яна бир нарсани ҳам айтиб ўтиш керак, албатта. Шунчаки мулозамат тариқасида, эмас, балки энг самимий миннатдорчилик ҳис-туйғуларимиз, коммунистик ўртоқлик ҳис-туйғуларимиз ҳаммамизни Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетига, дўстимиз Эрих Хонеккерга ва конференциянинг муваффақиятини таъминлаш учун шу кунларда бевосита иш олиб борган қардош партиялардаги ўртоқларимизга чуқур ташаккур изҳор этишни тақозо қилади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ўз нутқининг охирида белгиланган йўлдан олға қараб бундан буён ҳам ҳаракат қилишни тилаб, ҳар бир партиянинг муваффақият қозонишини ва биргаликдаги коллектив ҳаракатимизнинг муваффақиятларга эришувини тилаб, тинчлик, демократия ва социализм ишида янги-янги ғалабаларни тилаб қадаҳ кўтарди.

Ўртоқ Э. Хонеккер билан ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқлари қабул маросими иштирокчилари томонидан қизғин кутиб олинди.

Қабул маросими самимий ва қардошларча дўстлик вазиятида ўтди.

## БУТУН ИНСОНИЯТНИНГ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

БЕРЛИН, 30 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). Европа коммунистик ва ишчи партияларининг ГДР пойтахтида ўз ишини давом эттираётган конференцияси буюк аҳамиятга молик воқеа бўлиб қолди. Конференция қатнашчиларининг нутқларида кескинликнинг юмшатилишини моддийлаштириш, Европада тинчликни таъминлаш ва ҳамкорликни ривожлантиришни кўзда тутган ижобий силжишларнинг муҳим эканлиги уқтириб ўтилди. Дания Коммунистик партиясининг раиси **К. Есперсен** Хельсинки кенгашининг якунловчи актида қайд қилинган аҳдномаларга эришишда социалистик давлатларнинг ва аввало, Совет Иттифоқининг жуда катта роль ўйнаганлигини эслатиб ўтди. Социализм мамлакатлари доим ташаббус кўрсатмаганида, сабот-матонат билан ҳаракат қилмаганида, деди у, Европа халқларининг давлат миқёсида тинчликка интилишини қарор топтириб бўлмас эди.

Дания Компартиясининг раиси айтдики, умумий иш учун курашда куч-ғайратни бирлаштириш вазифаси ҳозирги шароитда алоҳида актуал аҳамият касб этади. Конференциянинг Маркс, Энгельс, Ленин улуғ ғояларига асосланган якунловчи ҳужжати бу вазифани уддалай олишимизни яққол кўрсатиб турибди, деди нотик.

Буюк Британия Коммунистик партиясининг бош секретари **Г. Макленнан** ишчилар синфи сиёсий ташкилотлари бирлигининг аҳамиятини таъкидлаб ўтди. Бу бирлик, деди у, ҳозирги шароитда тинчликни сақлаш учунгина эмас, энг муҳим сиёсий масалаларни ҳал этиш учун ҳам зарур. Қардош партиялар конференциясининг иши коммунистлар қитъамизда тинчлик ва демократияни таъминлаш вазифаси ғоят муҳим ва масъулиятли вазифа эканлигини англаганликларини исбот қилади.

(Давоми 3-бетда).

# «ГУЛИСТОН»НИНГ ҒАЛЛА КАРВОНИ

ҒАЛЛА ўрим-йиғимида айни қизғин палла. Комбайнларнинг шўх наъраси саратон қизиғида мудраётган бепоён адрлар уйқусини бузган. Рулда ўтирган норғил йигит офтобда қорайган юзидан тер шалоласини бармоқ билан аста сидираркан, «олтин бошоқ» денгизидан кўз узмай омборларга дон ташиётган шофер йигитга гап қотди:

— Маъруфжон, бу нечанчиси?!

— Э, ака, нимасини сўрайсиз, энди иш бошладик-ку. Жўжани кечга бориб саналмиз-да!

— Баракасини берсин!

— Раҳмат!..

...Машина кузови бир зумда донга лиммо-лим тўлиб чиқди. Шофер йигит машинани келган йўлига қайтараркан, «бу ёғи зўр бўлади!» дегандек комбайнчи йигитга кўл силтаб қўйди.

Маъруф Умаров Янгиўлдаги 107-автобазадан ғалла ўримига ҳашарга чиққан. Тажрибали шофер. Ҳамкасб дўсти Тожибой Ҳасанов билан ким ўзарга баслашган.

Офтоб яллиғида адрлар олтин тусда товланади. Бу йил унинг таровати, файзи ўзгача. Тилла бошоқларнинг салмоғи бўлакча. Комбайн бувкерининг сал ўтмай донга тўлиши катта баракадан далолат.

Ҳа, бу йил мўл-кўл дон—нон етишди. Ғаллазорларимиздаги ана шу қут-барака ўроқчиларнинг ғайратига ғайрат қўшмоқда, адрлардаги мўл дон ҳосилини қисқа муддатларда сира нобуд қилмай ўриб-йиғиб олишга уидамоқда.

Юқори Чирчиқ районининг Паркент зонасида жойлашган «Гулистон» колхози адрларида ҳам бу йил мўл дон ҳосили етиштирилди. Бундай адр ерлар колхозда 1055 гектарни ташкил этади. Ўрим-йиғимни зўр уюшқоқлик билан ўтказаётган азамат комбайнчилар 293 гектардаги арпани қўлдан чиқариб, буғдой ўримини бошлаб юборишди. Улар ғалла ўримини 20 иш кунида тамомлаш ниятидалар.

— Ўрим-йиғимни икки сменада, поток усулида олиб бораяпмиз, —дейди ғаллачилик бригадаси бошлиғи Мухсин Беков.— Бу ишимизга суръат бағишлаяпти. Қозоқбой Мирҳожиев, Серка Шарипов, Миробид Исроилов, Холдор Тўйчиев, Собир Содиқов сингари илғор комбайнчиларимиз мўлжалдаги 6 ўрнига 8—12 гектардаги ғаллани ўриб-йиғиб бершяапти. Чиндан ҳам бу йил ҳосилимиз қутли. Ҳар гектар ҳисобига илгари планда белгиланган 10,9 центнер ўрнига 15 центнердан бўлиқ дон янчяпмиз. Бу бригадамиз ғаллакорларининг янги ошириллган мажбуриятидир.

Х. НОСИРОВ.

## ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ЎРТОҚ Г. МИСС БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 30 июнь куни Берлинда Германия Коммунистик партиясининг раиси Г. Мисс билан учрашди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбат ноғида тинчлик ва демократия учун, кескинликни юмшатиш жараёнини кучайтириш учун, социал тараққиёт учун кураш масалалари муҳокама қилинди.

Г. Мисс КПССнинг XXV съезди қарорларида яна тасдиқланган КПССнинг тинчликсевар ташқи сиёсатини қувватлаётганлигини айтиб, Совет Иттифоқининг қуролсизланиш соҳасида ва бошқа соҳалардаги тинч ташаббусларини ҳамда СССРда коммунистик жамият қурилишида эришилган муваффақиятларни табриклади.

Л. И. Брежнев КПСС Ғарбий Германия коммунистларининг меҳнаткашлар манфаатлари учун, Совет Иттифоқи билан ГФР халқлари ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш учун олиб бораётган кураши билан бундан буён ҳам бирдам бўлажагини таъкидлади.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев ва КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат В. В. Загладин иштирок этдилар.

(ТАСС).

## ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ЎРТОҚ А. КУНЬЯЛ БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 30 июнь куни Берлинда Португалия Компартияси Бош секретари А. Куньял билан учрашди.

Қардошларча дўстлик, самимият ва тўла якдиллик вазиятида ўтган суҳбат чоғида Л. И. Брежнев билан А. Куньял ўртоқлар КПСС билан Португалия Компартиясини қизиқтирувчи масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев ва КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат В. В. Загладин иштирок этдилар.

(ТАСС).

## ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ЎРТОҚ Г. МАКЛЕННАН БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 30 июнь куни Буюк Британия Компартиясининг Бош секретари Г. Макленнан билан учрашди. Суҳбат дўстона ва самимий вазиятда ўтди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев ва КПСС Марказий комитети аъзолигига кандидат В. В. Загладин иштирок этдилар.

(ТАСС).

## ДОН—ДАВЛАТГА

**ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ҒАЛЛА ЎРИМ-ИЙҒИМИНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 1 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ**

(топшириққа нисбатан процент ҳисобида: биринчи стун —ҳосили ўриб олинган майдон, иккинчи стун—тайёрланган дон).

| | | |
|---|---|---|
| Оққўрғон | 92,0 | 101,9 |
| Тошкент | 97,8 | 101,5 |
| Қуйи Чирчиқ | 99,6 | 101,4 |
| Бўка | 80,5 | 101,4 |
| Оржоникидзе | 100,0 | 101,0 |
| Калинин | 88,5 | 100,8 |
| Ўрта Чирчиқ | 61,6 | 76,4 |
| Чиноз | 67,4 | 72,2 |
| Бекобод | 86,7 | 71,4 |
| Оҳангарон | 83,2 | 70,6 |
| Янгийўл | 78,7 | 65,0 |
| Пискент | 55,8 | 61,6 |
| Юқори Чирчиқ | 31,4 | 35,2 |
| Бўстонлиқ | 11,2 | 12,4 |
| Область бўйича | 61,4 | 59,2 |

## СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЖЎНАБ КЕТДИ

БЕРЛИН, 1 июль. (ТАСС махсус мухбирлари). КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси бугун Берлиндан Москвага жўнаб кетди. Делегация Европа коммунистик ва ишчи партияларининг конференциясида иштирок этди.

Делегация составида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев бор.

КПСС Марказий Комитетининг аъзолари К. В. Русаков, Л. М. Замятин, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси А. И. Блатов делегация билан бирга жўнаб кетди.

Шенефельд аэродромида ўртоқ Л .И. Брежневни, делегация аъзоларини ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари Э. Хонеккер, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Г. Аксен, Г. Гофман, Х. Зиндерман, Э. Мильке, Г. Миттаг, П. Фернер, К. Хагер, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар В. Вальде, Г. Клайбер, Э. Кренц, В. Яровинский самимий кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг ГДРдаги элчиси П. А. Абрасимов, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар А. М. Александров, В .В. Загладин, Германиядаги Совет қўшинлари группасининг бош қўмондони, армия генерали Е. Ф. Ивановский бор эди.

Пионерлар ўртоқ Л. И. Брежневга, делегация аъзоларига гулдасталар тақдим этдилар.

## СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Европа коммунистик ва ишчи партияларининг Берлинда ўтказилган конференциясида иштирок этган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси 1 июль куни Москвага қайтиб келди.

Делегацияга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилик қилди.

Делегация составида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, бор эди.

Шереметьево аэродромида ўртоқ Л. И. Брежневни, делегация аъзоларини В. В. Гришин, А .А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. У. Черненко ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Б. П. Бугаев, Г. С. Павлов, Н. М. Пегов, Г. Э. Цуканов, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар О. Б. Рахманин, С. К. Цвигун, Г. К. Цинев кутиб олдилар.

КПСС Марказий Комитетининг аъзолари К. В. Русаков, Л. М. Замятин, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси А. И. Блатов делегация билан бирга Москвага қайтиб келди.

Кутиб олувчилар орасида ГДРнинг СССРдаги элчиси Г. Отт бор эди.

(ТАСС).

# ОЛТИНДАН ҚИММАТ, ПЎЛАТДАН МУСТАҲКАМ

Ўзбек халқининг буюк адиби Ғафур Ғулом халқлар дўстлигини ана шундай таърифлаган эди. Бу таъриф ниҳоятда тўғри ва ҳаётий эканлигини турмушимизнинг ҳар жабҳасида кўриб турибмиз. Совет халқларининг дўстлиги, қардошлиги, ўзаро беғараз ҳамкорлиги яхши самаралар бераётганлигини ифода этувчи жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Дўстлик муваффақиятларимизни кўпайтирмоқда, бошимизга тушган қулфатларни тез бартараф этишга ёрдам бермоқда.

Сўнгги йилларда икки областимизда Тошкент—Иваново сўзлари жуда кўп такрорланадиган бўлиб қолди. Унинг шонли тарихи ҳам бор. Бу тарих илдизлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг дастлабки йилларига бориб тақалади. Бу дўстлик ўзининг ярим асрдан ошиқроқ давом этаётган тарихида жуда кўп ажойиб саҳифалар яратди, совет кишиларнинг яратувчилик беш йилликлари мобайнида мустаҳкамланди ва янада камол топди.

Ивановолик тўқимачилар Ўзбекистонда биринчи тўқимачилик комбинатининг ишга туширилишига ёрдам бердилар. Бу корхона эндиликда бутун мамлакатимиз, ҳатто чет элларга ҳам машҳур бўлган Тошкент тўқимачилик комбинатидир. Ўшандан бери Иваново меланж ва Тошкент тўқимачилик комбинатлари коллективлари ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланиб бормоқда.

Ҳозирги кунларда икки мусобақадош область меҳнаткашларининг ҳамкорлик қилаётган соҳалари ҳисобсиздир. Коллективлар ҳар ойда ўз меҳнатлари натижалари ҳақидаги маълумотларни бир-бирларига юборадилар. Меҳнаткашлар делегациялари мусобақа натижаларини якунлашда учрашиб туришади. Бу учрашувлар илғор тажрибани ўрганиш ва ўргатиш мактаблари бўлиб қолди. Сўнгги йилларда икки корхона тўқимачилари ўртасидаги мусобақа янада кенгайди. Илғор ишчилар яккама-якка мусобақалашиш ҳақида шартномалар тузишган. Тошкент тўқимачилик комбинатининг доғдор йигирувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Буолма Жўраева, ивановолик тўқувчи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анастасия Федоровна Ерофеева, тўқувчи Дилбар Қулматова

## ТОШКЕНТ—ИВАНОВО

касбдоши Валентина Афанасьевна Андрухова билан мусобақалашмоқда. Тошкентлик тажрибали тўқувчи Вера Ивановна Солдатованинг ивановолик Валентина Николаевна Дербенева билан дўстлик алоқалари кўп йиллардан бери давом этяпти.

Сўнгги йилларда «Минг-лар ташаббуси» байроғи остида областларимиз меҳнаткашларининг мусобақаси янада авж олиб кетди. Кўпгина корхоналар ўзаро шартномалар асосида меҳнат жабҳасида беллашишмоқда. Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи коллективи ивановолик турдош корхона ишчилари билан, «Шарқ» мебель фирмаси «Ивановомебель» бирлашмаси, Иваново сунъий таглик комбинати Тошкентдаги турдош корхона коллективлари билан ўзаро мусобақалашмоқдалар. Ҳатто олимларимизнинг ўзаро мулоқотлари ҳам кенгайиб бормоқда.

Иваново областини мамлакатимизнинг энг катта тўқимачилик цехи деб бежиз айтишмайди. Бу ерда ўнлаб тўқимачилик корхоналари ишлаб турибди. Газламаларнинг 70 проценти Ўзбекистон пахтасидан тўқиляпти. Ивановоликлар тўққизинчи беш йиллиқда ана шу «оқ олтин»дан 8 миллиард погон метрдан кўпроқ газлама тўқидилар. Биргина Тошкент области плантацияларида етиштирилган пахта хом ашёсидан ишлаб чиқарилган газлама миқдори 1 миллиард метрни ташкил этади.

Сўнгги йилларда областимиз ва серқуёш Ўзбекистон меҳнаткашлари ўртасидаги ҳамкорликнинг яна бир ажойиб саҳифаси очилди. Ўзбеклар бизнинг қадимги диёримизда мелиорация ишлари олиб бормоқдалар, улкан «Ўзбекистон» совхозини барпо этишяпти. «Ўзбекистон» совхози 6,5 минг гектардан ортиқ майдонни эгаллайди. Ерининг ярми Волга суви билан суғорилади. 18 та насос дарё сувини кўтариб, экин майдонлари ва ўтлоқлар томон оқизади. Дастлабки 500 гектар суғориладиган ер бу йил фойдаланишга топширилади. «Ўзбекистон» совхози қалби қуёш, сахий ўзбек халқининг Иваново области меҳнаткашларига ажойиб совғаси, икки мусобақадош областлар ўртасидаги қардошлик ва дўстликнинг рамзи бўлиб қолади.

КПСС Марказий Комитети Ўзбекистон партия, совет, сув хўжалиги ва қурилиш ташкилотларининг Иваново ва Новгород областларига қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ишларини амалга оширишда кўрсатаётган ёрдамини маъқуллади. Иваново меҳнаткашлари ана шундай машаққатли ишда ёрдам қўлини чўзган, беғараз кўмак кўрсатаётган ўзбек халқидан бир умрга миннатдор бўлиб қолади.

Мусобақалашаётган областларимиз меҳнаткашлари ҳозирги вақтда КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун елкама-елка туриб фидокорона ишламоқдалар. Уларнинг дўстлик ва қардошликка асосланган ўзаро муносабатлари совет турмуш тарзининг ёркин намунасидир.

Икки область меҳнаткашлари ўртасидаги яхши йўлга қўйилган мусобақа, ҳар соҳада ўзаро ҳамкорлик илғорлар тажрибасини ўртада баҳам кўриш яхши самаралар бераётганлиги саноатчиларимизнинг ўтган беш ойдаги ишлари якунлари ёркин кўрсатиб турибди. Икки область меҳнаткашлари саноат маҳсулотини реализация қилиш бўйича давлат планларини ой сайин тўла ва ошириб бажаришга муваффақ бўлмоқдалар. Шу йилнинг ўтган беш ойида давлат плани анча ортиғи билан адо этилди. Топшириқдагидан ташқари икки область меҳнаткашлари томонидан реализация қилинган маҳсулот миқдори 100 миллион сўмга яқинни ташкил этди. Саноатчилар фаолиятининг бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳам анча яхшиланди.

П. БЕЛОВ,
«Рабочий край» газетаси саноат бўлимининг мудири.
Иваново шаҳри.





Тошкент метрополитени қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Унинг қатор станцияларида пардозлаш ишлари олиб боришга кўмаклашиш учун Москвадан келган мармар ётқизувчилар С. В. Гай, Р. Қодиров, Г. Кмитас ўртоқлар «Халқлар дўстлиги» станциясида ишдамоқдалар (юқорида), илғор бинокор В. Ракитин «Собир Раҳимов» станцияси стуллари ва деворларини қоплаш учун кўплаб мармар плиталари тайёрлаб бермоқда (ўртада), пастдаги суратда эса «Ҳамза» номли метро станцияси шипини пардозлаш ишлари тасвирланган.

И. ГЛАУБЕРЗОН ва В. СИРОТКИН фотолари.

# БРИГАДА ПУДРАТИ ВА САМАРА

Бу трест коллективи зиммасига жуда масъулиятли ва айни вақтда шарафли вазифа юклатилган. Бинокорлар Ўзбекистон металлургия заводини реконструкция қилиш ва кенгайтириш бўйича барча асосий ишларни амалга оширишлари керак. Буни чуқур ҳис этган қурувчилар бунёдкорлик ишлари суръатини жадаллаштиришга ёрдам берадиган омиллардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Шу мақсадда трестда коллективни 1976—1980 йилларда техник-иқтисодий, социал ривожлантириш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқилди. Бунда қурилиш-монтаж ишлари самарадорлиги ва сифатини оширишга алоҳида эътибор берилади. Бошқа тадбирлар қатори бригада пудратини жорий қилиш назарда тутилмоқда. Чунки, бу прогрессив усул қурилиш-монтаж ишлари самарадорлигини ошириш ва сифатини яхшилашда катта аҳамиятга эга эканлиги амалда исботланди. Уни қўлланиш қурилишни жадаллаштириш қатори бинокорларда коллективизм, ўртоқлик, ишлаб чиқариш учун шахсий масъулият ҳиссини тарбиялашга ёрдам бермоқда. Бригада пудрати асосида ишлаш учун тузилган шартномада назарда тутилган мақсаднинг иқтисодий жиҳатдан аниқ асосланганлиги бригада ҳар бир аъзосида ўз маҳоратини ошириб боришга бўлган интилишни кучайтиради. Маҳорат сирларини яхши эгаллаш эса қурилишга фақат катта наф келтиригина қолмай, айни вақтда ҳар бир бинокорнинг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлигини ҳам оширади, ҳар бир қурувчининг бутун коллектив олдидаги, коллективнинг эса ҳар бир бунёдкор олдидаги масъулияти янада кучаяди.

Бригада пудрати асосида ишлаётган коллективларнинг меҳнат кўрсаткичлари оддий бригадаларникига нисбатан анча юксак бўлмоқда. 16-қурилиш трестида 32 бригада бор бўлиб, уларнинг 9 таси Злобин усулини қўлланиб ишламоқда. Злобинчилар қурилиш суръатини тезлаштириш ва сифатини яхшилашда, меҳнат унумдорлигини ошириш ва қурилиш таннархини камайтиришда бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Масалан, ўртоқ Горлов бошчилигидаги комсомол-ёшлар бригадаси ўтган йилнинг 1 июлидан янгича ишламоқда. Бригада аъзолари электр билан пўлат эритиш корпуси дастлабки цикли қурилишида ана шу усулни қўлландилар. Бунинг учун пухта тайёргарлик кўрилди. Бригададаги барча 48 бинокор янгича усулда ишлаш тартиби, унинг масъулияти, берадиган самараси билан таништирилди. Иш уч сменада ташкил этилди. Бригаданинг барча аъзолари сирғалувчи график асосида ишлай бошладилар. Уларнинг меҳнат натижаси анча самарали бўлди. Ҳар бир бригада аъзоси ҳисобига бир сменада бажарилган бетон ишлари ҳажми 0,94 кубометрни ташкил этди. Бу норма 127,5 процентда бажарилди, демакдир.

Энг муҳими бригада пойдеворларни қуриш муддатларини бир ой қисқартирди. Бу корпус деворларини кўтаришни муддатидан барвақт бошлаб юбориш имконини берди. Комсомол-ёшлар бригадаси пойдеворлар қуришни муддатларини қисқартирганликлари учун муносиб тақдирландилар. Бригадага 3,5 минг сўм миқдорида мукофот тўланди. Злобинчи бригада аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ўнинчи беш йиллик планини тўрт йилда бажаришга аҳд қилдилар. Улар барча бинокорларни жадал суръат ва юксак сифат билан ишлашга даъват этдилар. Уларнинг бу даъвати тезда қўллаб-қувватланди. Унлаб бинокорлик бригадалари ташаббусга қўшилдилар ва зиммаларига оширилган мажбуриятлар олдилар.

2-қурилиш-монтаж бошқармасининг ўртоқ С. Хайбуллаев раҳбарлик қилаётган злобинчи комплекс бригадаси иши ҳам мақтовга сазовордир. Ўз сафига йигирмадан ортиқ бинокорни бирлаштирган бу кичик, аммо аҳил ва иноқ коллектив зиммасидаги вазифани сидқидилдан бажармоқда. Қурилиш ишларини тез суръатлар билан олиб бормоқда. Масалан, монтаж ишларида бригаданинг ҳар бир аъзоси ҳисобига бир кунда бажарилган иш ҳажми 4,37 кубометрни ташкил этди. Бу нормадагидан 1,37 кубометр кўпдир. Бригада аъзолари беш йилликни тўрт йилда бажаришга бел боғлашди.

Трестдаги деярли барча злобинчи бригадаларнинг иш кўрсаткичлари шундай юқори бўлмоқда. Бригада пудрати усули билан қурилган объектлар муддатидан илгари ва сифатли ишга топширилмоқда. Масалан, ўтган йили 8 та кўп квартирали уйнинг 5 таси «яхши» баҳо билан фойдаланишга топширилди. Уларни қуриш муддати 933 ишчи кунига қисқарди. Бундан ташқари бригада 14,4 минг сўмлик пул маблағларни тежаб қолиндi.

Бригада пудратининг афзалликлари ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Лекин трестда бу соҳадаги ишларни ҳали ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Злобин усулини жорий қилиш жуда суст бормоқда. Бунинг сабаби нимада?

Бундай сабаблар анчагина бор. Трестда ҳали ҳам бундай бригадалар учун иқтисодий ҳисоб-китоблар қилиб берувчи мутахассислар йўқ. Ваҳоланки, бу энг муҳим иш. Ҳар бир объект бригада пудрати асосида қуриш учун топширилишдан олдин ҳисоб-китоб ишларини пухта тайёрлаш лозим. Мутахассисларнинг йўқлиги эса бунга имкон бермаяпти. Бригада пудрати асосида ишловчи коллективларни бир объектдан иккинчи объектга кўчириш ҳоллари барҳам топмаган. Кўпинча бунга мажбур ҳам бўлинмоқда. Чунки, бинокорлик материаллари ўз вақтида етказиб берилмайди. Бунинг оқибатида бутун бригада ишсиз қолиши мумкин. Ана шундай аҳволдан қутулиш учун уларни бошқа объектларда ишлашга ўтказишга мажбур бўлиняпти. Яна бир камчилик қўл меҳнатини алмаштириш учун кичик механизация воситаларининг етарли бўлмаслигида. Айниқса, пардозлаш ишларида бунинг салбий таъсирини кўриб турибмиз. Ҳар йили кичик механизация воситалари юбориш учун кўплаб заявкалар берилади, лекин улар доим бажарилмай қолаяпти.

М. МАҲМУДОВ.

## Янгиликлар, хушхабарлар

### БИЛИМ МАСКАНЛАРИ

Бу йил областимизда 1 сентябргача 18 минг 380 ўқувчига мўлжалланган бир нечта янги билим масканлари фойдаланишга топширилади. Шу кунларда металлургларга шаҳри Олмалиқда 1568 ўринли мактаб биносида пардозлаш ишлари олиб борилаётир. Шуниндек, Ангренда ва Бекобод шаҳрининг Зафар посёлкаларида ҳам янги мактаблар қурилмоқда. Уларда ўқувчиларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилади.

Областимизнинг колхоз ва совхозларида ҳам янги билим масканлари қуриш ишлари олиб борилаётир. Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозида 536 ўринли, Калинин районидаги «Бўзсув» совхозида 876 ўринли мактаблар янги ўқув йилида ўғил-қизларни қабул қилиб олади. Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли, Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхозларда ҳам шундай қурилишлар олиб бориляпти.

### СЎЛИМ БОҒДА

Тожикистоннинг Ғончи районидаги сўлим боғ қўйнидаги пионер лагерида ўзбекистонлик ўқувчилар дам олмоқдалар. «Пахтакор» деб номланган колхозлараро оромгоҳда шу кунларда Бекобод районининг Ленин номли, Дзержинский номли, Навоий номли ва «Коммунизм» колхозлари аъзоларининг фарзандлари ҳордиқ чиқаришяпти.

Дам олувчилар учун бу ерда барча шарт-шароитлар мавжуд. Улар тез-тез Ўратепа, Ленинобод ва бошқа шаҳарларга экскурсия уюштириб туришибди. Тожикистонлик пионерлар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Лагерда яқинда «Биз Ўзбекистонда яшаймиз» расм конкурси ўтказилди. «Биз уй бекаларимиз» деган конкурс ҳам дам олувчиларда катта таассурот қолдирди. Қатнашчилар энг яхши таомлар пишириш, меҳмонни кутиб олишда мусобақалашдилар.

Лагерь қўйнида 270 ўқувчи ҳордиқ чиқармоқда. Ўғил-қизлар бу ерда кучқувватга тўлиб, янги ўқув йилини кўтаринкилик билан бошлаб юборадилар.

### ЧОРВАДОРЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Янгийўл районидаги «Новомихайловский» совхози чўчқабоқарлари яқинда янги уйларга таклиф этилди. Бир йўла ўн икки онла кўркам каттежларга кўчиб ўтди.

Совхозда мактабгача таълим, маданий-маиший муассасалар қурилиши ҳам тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Чорвадорларнинг фарзандларига барча қулайликка эга бўлган болалар боғчаси қурилиб берилди. Бу ғамхўрликдан қишлоқ меҳнаткашлари беҳад хурсанд бўлмоқдалар.

## ФАН-ТЕХНИКА ОЛАМИДА

### 10 СЕКУНД ИЧИДА ОПЕРАЦИЯ

Горький шаҳридаги медицина институти қулоқ, томоқ ва бурун кафедраси мудири, медицина фанлари доктори профессор В. Ю. Шахов таклиф этган совуқ ёрдамида олиб бориладиган операция ҳаммаси бўлиб 10 секунд давом этади. Операция креслода ўтирган ҳолатда олиб борилиб, скалпель ўрнига «Пингвин» установкасининг ўта совуқ бўлган (минус 160 даража) миндалинаси билан олиб борилади. Қонсиз операцияни ушда олиб бориш ҳам мумкинлиги амалда исботланди. Бу усулда операция ишни анча осонлаштиради, беморни унча ташвишга солмайди ва энг муҳими маълум бўлган операция методларига нисбатан 15-30 марта кам вақт олади.

●

### СИНТЕТИК ЕЛИМ

Ростов областидаги Каменск шаҳрининг «Россия» комбинатида турли мақсадларда қўлланилишга мўлжалланган янги синтетик елим ишлаб чиқарила бошланди. Янги елим целлюлозанинг карбоксиметил эфири натрий тузидан иборат бўлиб, сувда яхши эрийди, унинг 5—10 процентли эритмасиёқ ёпиштириш хоссасига эга. Уни силикат, крахмал ёки поливинилацетат елими ўрнида бемалол ишлатиш мумкин.

●

### БИР ЮЗ ЕТТИНЧИ ЭЛЕМЕНТ

Дубнадаги Бирлашган ядро институтида Д. И. Менделеев химиявий элементлар даврий жадвалига 107-сон билан ёзиладиган янги элемент синтез қилиб олинганлиги хабар қилинди. («Химия и жизнь» журналининг олтинчи сони). Ҳозир янги элемент хоссалари ўрганилмоқда.

### «ЭКЛОЗ» ЭКСПРЕССИ

«ЭР-200» маркали янги совет экспресси Москва — Ленинград темир йўлида синовлардан муваффақиятли ўтди. Янги экспресс техникасининг барча ютуқларидан фойдаланилиб қурилган бўлиб, бошқариш осон, автомашинист билан жиҳозланган. Экспресс қишда ишлатилади, ёзда эса муздек бўлади. Поезднинг тезлиги секундига 56 метр бўлиб, бу бўрон шамоли тезлигига қараганда икки баравар кўпдир. Янги экспресс Москвадан Ленинградга тўрт соатда етиб боради.

●

### «МИСТРА»

Эстонияда яратилган синтетик гиламга ана шундай ном берилди. Тўқилмаган материалдан ясалган гиламга «Сифат белгиси» ҳам берилди. «Мистра» уй-жой ва ташкилотлар полларини қоплаш транспорт воситалари ва бошқа ерларда қўлланилишга мўлжалланган бўлиб, енгил, пишиқ ва чиройлидир. Бу йил ана шундай гиламлардан 90 минг квадрат метри ишлаб чиқарилади.

Қ. АҲМЕРОВ.

«Ташэлектромаш» заводи коллективи ишлаб чиқараётган енгил кўчма пайвандлаш трансформатрлари қишлоқ қурилишида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Машинасозлар қишлоқ бинокорлари буюртмаларини ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилишяпти. Суратда: илғор ишчи Александр Губенков янги трансформаторларни жўнатиш учун тайёрламоқда.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

## ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

### ҚУМЛИКДА... ШОЛИ

Хивадан сал наридаги Қорақум чеккасида шолипоялар кўм-кўк бўлиб қолди. Бу ерда қумликларни деҳқончилик ерларига айлантириш тажрибалари бошлаб юборилди.

Кўп асрлар муқаддам бу ерлар оби кор бўлган, лекин далаларни қум боса бошлагач, одамлар бу ерларни ташлаб воҳа ичкарисига ўта бошлаганлар. Халқ хотирасида бу ерларнинг оби корлигидан дарак берувчи номлар: Хўжаликқул, Даряли, Амирқул номлари сақланиб қолган.

Мана шу ерларни яна деҳқончилик далаларига айлантириш вазифаси қўйилди...

Қумликка шоли экишга қарор қилинди. Дастлаб қараганда бу иш ҳеч тўғри келмайдиганга ўхшаб туйилади. Ахир шоли жуда кўп сув талаб қилади-ку. Лекин шолининг айни шу томони бўтана Амударё сувидан табиий структура ҳосил қилувчи омил сифатида фойдаланиш мумкин бўлади-ку, деган фикрга олиб келди.

«Ал-Хоразмий» шоликорлик совхозининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Васильевич Ким бу тадбирни тажриба қилиб кўрадиган бўлди.

Қум тепаларига ёппасига ҳужум бошланди. «Хоразмводстрой» трестининг мелиораторлари бу ерга жуда кўп техника келтиришди. Улар қумларни суриб арик очмоқда, эски зовурлар четига уюлган тупроқни чўлга ташиб келтирмоқда, гидроиншоотлар қурмоқда. Шу йилиёқ бу ердаги суғорма ерлар майдони 1000 гектар кўпаяди.

Н. СМИРНОВА,
УзТАГ мухбири.

### ДАФИНАНИНГ СИРЛАРИ

Озарбайжон Фанлар академияси Тарих институтининг археологлари Шемаха жанубидаги саганани қазиш пайтида ноёб дафина—133 та танга солинган хумча топиб олдилар.

Олимларнинг диққатини илгари учрамаган тангадаги шох тасвири ўзига жалб қилди. Бу тангалар адабий манбаларда, жумладан XII асрда яшаб ижод этган Озарбайжон шоири Низомийнинг сосонийлар шоҳи Валакса (484—488 йиллар) ҳақидаги маълумотларни тасдиқловчи илк моддий манбадир.

Дафина Озарбайжоннинг Эрон шоҳи Сосоний билан илк ўрта аср даврида савдо муносабатларида бўлганлигидан шаҳодат беради. Хумчадаги пуллар сосонийлар сулоласига тобе бўлган қадимги Ширвон хукмдорлари саройида зарб этилган.

Н. БАРСКИЙ,
ТАСС мухбири.
Боку.

### 20 ТОМЛИК ТОЖИК ФОЛЬКЛОРИ

Тожикистонда оғзаки халқ ижодиёти асарлари йиғилиб бўлди ва 20 томлик «Тожик фольклори куллиёти» тузилди. Тожикистон ССР Фанлар академияси А. Рудакий номли Тил ва адабиёт институти олимларининг коллективи шу катта нашрни тайёрлади.

Турли жанрлардаги фольклор асарларининг 140 мингта ёзувчиси йиғилди. Шундай қилиб, 40 йил мобайнида халқ бахшийлари 150 минг саҳифа битдилар!

«Тожик фольклори куллиёти»да ҳайвонлар тўғрисида 400 дан ошиқ халқ эртаклари, жаҳон фольклористикасидаги маълум сюжетлар билан айтилган ҳикоялар ва халқ прозасининг бошқа асарлари бор.

(ТАСС).

### БАЙКАЛНИНГ НОМИ НЕЧТА?

Бир қараганда, бундай савол бироз ғалати туюлади. Лекин шундай савол туғилиши табиий. Маълум бўлишича, Сибирдаги машҳур кўл-денгизнинг ҳақиқатан ҳам бир неча номи бор.

Афтидан, унинг энг қўҳна номи Эвенкийламаси бўлиб, денгиз деган маънони билдирар экан. Ўрта аср даврига келиб эса унга Тенгис деган ном беришган. Кўп тилли халқлар бунда катта кўл деган маънони назарда тутган бўлсалар керак. Шуниси қизиқки, Байкал ўрта асрда яшаган араб географларига маълум бўлиб, улар уни Баҳр-ал-бака, яъни «кўз ёши яратувчи денгиз» деб атагалар. Ҳозирги Байкал деган ном бурятча «Байгал» деган сўздан келиб чиққан. Олимлар бу сўзнинг келиб чиқиши ҳақида ҳамон баҳслашиб келадилар. Тахминларнинг бири бурят афсонасида ифода этилган. Унда айтилишича, бир замонларда Байгал деган олов пуркак тоғ бўлган экан. Бурятча «бай» сўзи — турувчи ва «гал» сўз эса олов деган маъноларини беради. Кейин тоғ ерга чўкиб кетиб, унинг ўрнида улкан кўл ҳосил бўлган эмиш.

Д. САНЖИЕВ,
ТАСС мухбири.
Улан-Удэ.

# БУТУН ИНСОНИЯТНИНГ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

[Бошы 1-бетда].

Туркия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари **И. Бялен** қуйидагиларни айтди: Европа коммунистик ва ишчи партияларининг делегациялари биргаликда олиб борган ишнинг якунлари, улар ишлаб чиққан ҳужжат халқаро ишчилар ҳаракатини, ер юзидан тинчлик ва хавфсизликни, шунингдек миллий ва социал озодлик йўлидаги ҳаракатни янада кўпроқ мустаҳкамлайди.

Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари **Г. Гусак** Совет Иттифоқи ва бошқа қардош социалистик мамлакатлар халқаро кескинликнинг юмшатилишини қарор топтириш жараёнида ҳал қилувчи роль ўйнаб келаётганлигини таъкидлади. У Хельсинки кенгашининг якунлари муҳим эканлигини айтди ва айни вақтда, социалистик давлатларнинг, Ғарбдаги прогрессив тинчликсевар кучларнинг ушбу Умумевропа анжуманининг қарорларини амалга ошириш йўлидаги тадбирлари бир қанча капиталистик мамлакатларда реакцион кучларнинг қаршилигига дуч келаётганлигини уқтириб ўтди.

Г. Гусак яна қуйидагиларни айтди: синфий душманимиз бизни заифлаштириш, қардош партияларни бир-биридан ажратиш ва кучларимизни парчалаб юбориш учун зўр бериб ҳаракат қилаётганликларини кун сайин кўриб турибмиз. Совет Иттифоқи ва КПСС асосий нишон қилиб олинмоқда. СССР ўзининг ички интернационалистик ҳатти-ҳаракатлари билан бугун тараққипарвар инсоният орасида жуда катта обрў-эътибор қозонди ва иззат-ҳурматга сазовор бўлди. Чехословакия коммунистлари ва Чехословакия социалистик Республикасининг халқи антисовет ёзмга қарши курашни, социализм ғоялари ва ғалабаларини ҳимоя қилишни ўз асосий вазифаси, чуқур эътиқодга асосланган шарафли иши, деб ҳисоблайди.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг кенг қўламда фикрлашиб олиши ва тажрибаларни баҳам кўриши, деди Нидерландия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг раиси **Х. Хукстра**, ҳозирги давр учун, шунингдек келажак учун шубҳасиз катта аҳамиятга эгадир. Бу ҳол конференцияда қатнашиш тўғрисида қарор қабул қилишимизни тақозо этди.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги шароит марксизм-ленинизм асосида аниқ-равшан истиқболни кўрсатиб бера оладиган ягона партиялар бўлмиш коммунистик ва ишчи партияларнинг вазиятни яхши англаб, тўғри йўл ола билишларини талаб этади. Жаҳондаги тараққиёт ва ҳозирги конференция сиёсий тадбирларимизни ғоят пухта тайёрлаб, олға бориш зарур эканлигини тасдиқлайди.

Нотиқ кескинликни юмшатиш ва халқаро ҳамкорлик душманларининг кирдикорларига тўхталиб, бундай деди: аҳоли кенг табақаларининг Хельсинки кенгаши қарорларини амалга ошириш учун олиб борадиган актив ҳаракати ана шу тенденцияларга қарама-қарши қўйилаётган асосий куч бўлиб қолиши керак. Кенгаш қарорлари омманинг кескинликни юмшатиш, Европада тинчлик ва хавфсизлик йўлидаги, кескинликнинг юмшатилишига муқаррар тус бериш йўлидаги ҳаракатини кенг ривожлантиришнинг кучли воситасидир.

У социалистик мамлакатларнинг тинч-тотув яшаши учун олиб бораётган кураши, социализм мамлакатлари кучқудрати ва обрў-эътиборининг ўсиши халқаро кескинликни юмшатишга ёрдам берадиган асосий омиллардан эканлигини қайд қилиб ўтди.

Германия Коммунистик партиясининг раиси **Г. Мис** бундай деди: ҳозирги пайтда бутун дунёда тинчлик, демократия ва ижтимоий тараққиёт йўлидаги ҳаракат ҳар қачонгидан кўра кучлироқ ривожланиб бормоқда. Совет Иттифоқи ва бутун жаҳон социалистик системаси куч-қудратининг халқаро ишчилар ҳаракати ва миллий-озодлик ҳаракати билан боғлаб олиб борилган ҳолда ўсиб бораётганлиги жаҳондаги сиёсий тараққиётни қатъий белгилаб беради.

Бизнинг тарихий тажрибамиз, деб сўзини давом эттирди нотиқ, антикоммунизм ва Совет Иттифоқига нисбатан душманлик ҳамиша меҳнаткаш халқнинг миллий манфаатларига зид бўлиб келганлигини, айни вақтда дўстлик ва ҳамкорлик эса бизнинг миллий орзу-тилакларимизга доим мос бўлиб келганлигини тасдиқлайди.

Пролетар интернационализмига, КПСС билан ва бошқа социалистик давлатлардаги қардош партиялар билан иттифоқ ва дўстликка содиқлигимизни антисоветизмга актив қарама-қарши кўйиб, халқимизнинг манфаатларига хизмат қилишни ҳар нарсадан афзал кўрамиз. Биз бунга астойдил аминмиз. Бундай позиция партиямизнинг синфий характерига ва дунёқарашимизга мос бўлиб тушади. Бундай позиция ўзимизнинг синфий кураш тажрибамизга ва халқаро майдондаги синфий кураш тажрибасига мос келади. Бу позиция Совет Иттифоқининг гитлерчи фашизмдан халос этиш соҳасидаги ролини тан олишдан келиб чиқади.

ЗАФАР посёлкасидаги «Гулшан» маиший хизмат уйининг чеварлари Бекобод райони меҳнаткашларига хизмат кўрсатишни кун сайин авж олдирмоқдалар.

Суратда: илғор тикувчилардан бири, ВЛКСМ аъзоси Рисолат Нурматова иш устида.

Т. Маҳкамов фотоси.

# ТУНГИ СУҒОРИШ ҚИЗҒИН

Бекобод районидаги «Коммунизм» колхозида ғўзани тунда суғориш график асосида олиб борилмоқда. Бу ўз навбатида катта самара бермоқда. Айниқса, сувчилардан Абдумалик Ҳасанов, Каримқул Маматқулов, Азимбой Ҳакимов, Каримжон Михлибоев, Абдулҳақ Умаровлар намунали ишламоқдалар. Кунлик нормани 1,5—2 ҳисса қилиб адо этмоқдалар.

Ҳозир колхозда кунига 70—80 гектар майдондаги ғўзалар сифатли қилиб суғорилмоқда. Суғориш билан биргаликда шарбат ҳам оқизилмоқда. Бу эса ғўзаларнинг яхши ривожланишига ёрдам бермоқда.

Колхоз бўйича 858 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш учун қизғин меҳнат қилмоқдалар. Айниқса, Шербўта Деҳқонов, Холбой Шукуров бошлиқ бригадаларда иш яхши бораяпти. Бу бригада аъзолари бултурги шароитда ҳар гектар ердан 32,5—37 центнердан ҳосил йиғиб олишга эришган эдилар. Ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилида гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Н. ҲАЙДАРОВ.

# У ДОИМО ИНТИЛИШДА

ЙИЛЛАР кетидан йиллар қувиб ўтди. Ҳар йил Галина Ерганина ҳаётида ўчмас из қолдирди. У фақат олдинга интилди. Ўз рекордини янгилаб борди. Бу орада ферма ҳам замонавий биноларга жойлашди. Ҳамма ишлар механизациялаштирилди. Мутахассис кадрлар сафи ўсди. Моллар зоти яхшиланди. Шароит яхши бўлгач, чорва маҳсулотлари етиштириш кўпайди, аввалги шоғирдлар устоз бўлди. Галина ҳам ишнинг кўзини биладиган устоз даражасига кўтарилди. Кенжа шоғирди Абдураззоқова эса унга тенглашиб, ўзаро мусобақалашмоқда.

Яқинда Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозида мусобақа илғорлари шарафига Қизил байроқ кўтарилди. Байроқ остидаги чиройли ойнаванд рамкада хўжаликнинг илғор соғувчиларининг рўйхати бор. Улар орасида тўрт ойлик меҳнат натижалари бўйича социалистик мусобақа ғолиби бўлган Галина Ерганина ҳам бор. У 29 бош соғин сигирнинг ҳар биридан пландаги 303 ўрнига 310 килограммдан сут соғиб олишга эришди. Давлатга топширилган сутнинг 100 процента юқори сортларга қабул қилинди.

Партия ва ҳукуматимиз унинг меҳнатини муносиб тақдирлади. III даражали «Меҳнат Шуҳрати» медалини олишга сазовор бўлди. Бунга жавобан у ўз мажбуриятини қайта кўриб чиқди.

Галина илғорликни қўлдан бермаяпти. Эл-юрт дастурхонига кўплаб сут-қаймоқ етказиб беришга ҳисса қўшади.

К. РАҲМОНБЕРДИЕВ.

1-«Далварзин» совхози.

# ДУНЁ ОВОЗИ

## ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

### ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИДА

Шу йил 7 июлда Берлинда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг XXX мажлиси очилади.

Келишиб олинганга мувофиқ сессиянинг XXX мажлиси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзо бўлган мамлакатлар ҳукуматларининг бошлиқлари даражасида ўтказилади.

### АҲВОЛ КЕСКИНЛАШМОҚДА

БАЙРУТ, 30 июнь. (ТАСС). Байрутда ва унинг атрофларида, Сайдада ва мамлакатнинг тоғлик районларида кеча ашаддий жанглар давом этди. Ўнг кучларнинг отрядлари пойтахтнинг шарқий атрофларида жойлашган фаластинлик қочоқларнинг Тел-Заатар ва Жиср ал-Баша лагерларига ҳужумни саккиз кун давом эттирдилар. Матбуотнинг маълумотларига кўра, шу райондаги жанглар натижасида мингдан ортиқ киши ўлдирилган ва 2 мингдан ошиқ киши жароҳатлантирилган. Тўплар ва миномётлардан шиғов ўққа тутиш ва 130 танк мадади билан бугун ўнгларнинг ҳарбий отрядлари Жиср ал-Баша лагерини ишғол этганликлари ҳақида сурилликларнинг қамали фаластин қаршилик ҳаракатини таъминот манбаларидан кесиб қўйганлиги натижасида шу ҳужум мумкин бўлди.

Ливия Бош министри А. Желлуд Байрутда ўнгларнинг Ливанда можаронни авж олдириш ва мухолиф томонлар ўртасида музокаралар ташкил этиш борасидаги куч-ғайратларни барбод этиш йўлини қоралади. У ўнглар Тел-Заатарни ишғол этишга уринишни давом қилдиргудек бўлсалар, Ливия «Ливан миллий ватанпарвар кучлари билан Фаластин революциясига қўшилади», деб ишора қилди.

А. Желлуд, деб хабар беради Фаластин информация агентлиги, Сурия ўнг христиан кучлар томонидан ўт очиш тўхтатилиши хусусида ғафолат бера олса, сўл кучлар ўт очишни тўхтатишларига кафолат бера оламан, деган. Аммо САР раҳбарларидан ҳали жавоб олингани йўқ. Ливия Бош министри музокаралар олиб бориш учун Дамашққа жўнаб кетди. Ливан Прогрессив социалистик партиясининг раиси К. Жумблат ҳам ўнг кучлар танлаб олган хатарли йўл танглик тинч йўл билан бартараф этилишига бўлган умидларни тамомила барбод этади, деб таъкидлади.

# ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ЛИССАБОН. «Португалия-СССР» дўстлик жамияти «Тинчлик ва дўстлик» деган ном билан бюллетень чиқара бошлади. Ушбу бюллетенннинг биринчи сони босмадан чиқди. Жамиятнинг активлари, дейилади бош мақолада, бюллетень «Португалия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоғи керак», деб таъкидламоқдалар.

ВАШИНГТОН. Солиқ машаққатлари америкаликларни тобора қаттиқ эзмоқда. Кейинги олти йил ичидагина, деб хабар беради «Пэрейд» журнали, ҳар қандай солиқларнинг миқдори 73 процент кўпайди. Ўртача ҳаёт кечирувчи америкалик солиқларни тўлаш учун гина ҳар куни 2 соат 35 минут ишлашга мажбурдир. Миллий бойликни монополистик корчалонлар фойдасига қайтадан тақсимлаш воситаларининг бири бўлмиш американинг солиқ системаси миллионларча меҳнаткашларни жуда оғир машаққатларга дучор қилмоқда. Шу билан бирга қонунда аҳоли ўртасидаги бой табақалар ва корпорацияларнинг солиқ тўлашдан бўйин товлаш учун йўл очиб берадиган жуда кўп имкониятлар кўзда тутилган.

ГАВАНА. Шу кунларда тинтув, қамоққа олиш ва репрессиялар кучайиб кетганлигига қарамай, Сантъягода ва Чилининг бошқа районларида «Унидад ансифасиста» газетасининг эллигинчи сони тарқатилмоқда. Чилининг яшириН шароитда иш олиб бораётган Коммунистик партияси бу газетани босиб чиқармоқда. «Унидад антифасиста» газетхонларни меҳнаткашларнинг ўз ҳуқуқлари учун олиб бораётган кураши билан таништиради, Чили ватанпарварлари билан халқаро бирдамлик ҳақида ёзади. Газета мамлакатдаги тараққипарвар, демократик кучларни ўз сафларини бирлаштириш ва қонли режимга қарши курашни кучайтириш учун барча антифашист кучларни жипслаштиришга даъват этади.

(ТАСС).

Калинин районидаги «Бўзсув» совхози маккажўхорикорлари 200 тонна ўрнига 400 тонна дон топшириб, йиллик планни икки ҳисса қилиб бажариш мажбуриятини олдилар. Ҳозир ана шу юксак мажбуриятга яраша парвариш ишлари агротехника қоидалари асосида қизғин олиб борилмоқда. Суратда: совхознинг 1-бўлими бошқарувчиси А. Гаффоров ва совхоз бош инженери З. Бойжоновлар дон учун экилган маккажўхорини кўздан кечирмоқдалар.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ).

# БАЛОҒАТ

## Л А В Ҳ А

У ўзини ҳорғин сезарди... Секин ўрнидан турди, стол тортмасидан ҳар эҳтимолга қарши ташлаб қўйган сигаретасидан бир дона олиб, хонадан чиқди. Икки қўли мушт тугилган ҳолда оқ халати чўнтакларини тошдек босиб турарди. Зиналарни санаб пастга тушиб борди-да, ҳовлига чиқадиган эшикнинг иккала табақасини очиб юборди. Тонг ғира-ширасининг ажиб таровати, салқин ҳаво хуш ёқиб, дилгирлиги ёзилгандек бўлди.

— Ассалом алайкум, дўхтир! — таниш овоздан у ўзига келди.

— Салом алайкум, ота, — деди у гулзорда тимирскиланиб юрган чолга. — Ҳеч сиздан вақтли туролмадим—туролмадим-да! — сўзлади ҳазиломуз оҳангда. — Саҳархезликни қайдан олгансиз ўзи?

— Кексаликдан болам, — сўзларди чол бир дона гулни ток қайчи билан узиб унга узатаркан. — Қариган сарнг ҳаёт ширин туюлаверарқан...

— Шунақа денг...

— Ҳаёт жуда ширин, болам, — чолнинг кўнгли юмшаб кетди. — Айниқса сизларнинг даврингиз. Сизга қараб турибман ҳавасим келади. Кечирасиз-у мени, сиз бор жойда Азроил ҳам қирқирон жарга қочиб қолади!

— Гапингиз ҳам бор бўлсин-е!— мириқиб кулди жарроҳ —Касбимиз-да, ота!

— Тўғри айтдингиз, лекин касбни улуғлаш ҳам бор, — бўш келмади чол. —Беморнинг жонига оро кириш бу жуда хайрли иш.

Одам табиатан яхши гапга, мақтовга мойил бўлади. Айниқса, ҳориб-чарчаганида, ёки бирор ишни бошлаб қўйиб, боши берк кўчага кириб қолганида бир оғиз ширин сўз унинг руҳини кўтариб юборади. Ўйлари, орзуларига қанот бахш этади.

Боғбон чолнинг икки оғиз ширин сўзи ўқтамнинг чарчоғини ёзиб юборди; чол узатган қизил гул атридан кайфи чоғ бўлиб гулзор оралади...

Куни кечагина йигитча эди.

Талабалик йиллари портфелига оқ халати ва шиппагини солиб Олмазордаги кўримсизгина ҳовлига шошилар, (бу ерда касалхона жойлашган эди) дарвозадан хатлаб ўтибоқ, йўл-йўлакай халатини кийиб борар, устозлари ёнига, беморлар ҳузурига ошиқарди.

Шунга ҳам ўн етти йилдан ошипти.

Ўн етти баҳор келипти, ўн етти баҳор кетипти.

Ўн етти рақами балоғатни белгилайди, дейдилар. Ўн етти ёшлилар ҳар нарсага қодир, дейдилар. Ўктам ҳам иккинчи марта балоғат ёшини кечираётгандай.

«Оғир кунлар орқада қолди. Лекин, ҳеч қачон ўша; оғир кунларда дардимга шерик, ярамга малҳам, дилимга таскин бўлган Ўктам Исмонловни унутмайман. У ўз ишининг моҳир устаси, қўли енгил, бағри кенг шифокор. Мен у даволаган қўплаб беморларнинг бириман. Унга узоқ умр, чин инсоний бахт тилайман. Ғўхтабой Содиқов, Ургенч районидаги Чалиш посёлкасидан ёздим».

«Ўктам Исмонловдек шифокор учун ота-онасига, онласига таъзим қиламан.

Мен ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман. Менга соғлиқ берганингиз учун Сизга, Сизнинг аҳил коллективингизга раҳмат. Менинг оиламга соғлиқ кириб келди, соғлиқ билан катта бахт кириб келди.

Доимо соғ бўлинглар. Сизлардан бир умр миннатдор қозоғистонлик Шалкар Ергешев».

Унинг номига ҳар куни ўнлаб-юзлигирмалаб хатлар келиб туради. Хатларнинг адреслари ҳар хил: Олма-Ота ва Фрунзедан, Ашхабоддан ва Нукусдан, Ўзбекистонимизнинг энг узоқ қишлоқларидан...

Одам тафтини одам олади, дейишади.

Оғир дақиқаларда у ўз қўли билан операция қилиб, ҳаётга қайта йўллаган беморларини эслайди, улардан келган хат-хабарларни варақлашга тушади. Уларни бирма-бир кўздан кечираркан, кўнгли ёришиб, вазмин қадамлар билан ҳозиргина операциядан чиққан бемори олдига кириб келади.

— Сув... сув...—пичирлайди бемор лаблари.

— Тошкент сувидан бераверинг, — дейди жарроҳ ҳамширага. — Фақат озроқ...

— Мумкин эмас, девдингиз? — Савол билан мурожаат қилади ҳамшира Ася Раҳматуллина. —Бер десангиз, беравераман...

Жарроҳнинг кайфияти бузилдими, қовоқлари уюлиб, секин палатадан чиқди: «Мунча кўнглим бўш-а? Сув бериш мумкин эмаслиги ҳақида ёзилгандек эсимда. Бечора, ҳозир наркоз уйқусида дарё лабида ётириб, сув ичолмай тўлғоняпти. Тушида сароб кўряпти... Нима бўлсаям, дока ҳўллаб лабига босгани маъқул...»

— Доктор, доктор, бемор қайт қилиб юборди!— қичқирди жон ҳолатда Ася.

У югуриб палатага кирди.

— Сув... Сув...—кўзини очолмай тўлғонарди бемор.

— Етарли ичдингиз...

— Дўхтир, бир қултум сув беринг. Қарзга! Мен сизга бутун бир сойни олиб келиб бераман,—тамшанади бемор.

Ўктам индамайди. Ҳамшира унинг лабларига дока ҳўллаб босади...

«Унинг операцияларининг деярли ҳаммаси муваффақиятли бўлади. Бу муваффақиятлар замирида беҳисоб уйқусиз тунлар, машаққатли меҳнат, тинимсиз изланиш ётади. Унинг бутун умри оиласи билан эмас, биз билан ўтаяпти десак, эҳтимол, ишонмассиз. Ишонаверинг, бунга биз беморлар гувоҳмиз».

Бу мактубни шу кунларда касалхонада даволанаётган беморлардан ўн икки нафари йўллаган. «Биз,— деб ёзишади улар,—Исмонловдек врач қўлида даволанаётганимиздан мамнунмиз...».

...Соғлиқни сақлаш аъзолчиси, ўпка касалликлари биринчи клиник республика касалхонасининг бош хирурги Ўктам Исмонлов тонг маҳали гулзор оралаб юрипти. Қандай яхши! Агар касалхонага кираверишдаги тахтача олиб ташланса, бу ерни томоша боғ деб ўйлашса керак. У ана шу боғ эшигидан ўн етти йилдан бери ўтади. Ўтади-ю, орқасига мағрур қараб қўяди.

Йиллар зое кетмапти...

Б. АБДУЛЛАЕВ.



КУБА РЕСПУБЛИКАСИ. Яқинда Нуэвитасе (Камагуэй провинцияси) шаҳрида Совет Иттифоқининг фаол ҳамкорлигида қурилган азот ўғитлари комбинати ишга тушди. Бу корхона республика халқ хўжалигини ривожлантиришда, хусусан шакарқамиш, цитрус, тамаки ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Суратда: Октябрь революцияси номли шу комбинатнинг кўриниши.

ТАСС фотохроникаси.

## Сўз-юз центнерчи маккажўхорикорларга

# СЕРДОН СЎТАЛАР

Кейинги кунларда ҳавонинг ҳарорати кўтарилмоқда. Бу ҳол экинни оби-тобида суғоришни, бирор туп ҳам ниҳолни чанқатиб қўймасликни талаб этади. Экин озиқлантирилиб қатор оралари чуқур культивация қилинса, ғўзанинг хуллас барча экилларининг сувга бўлган талаби янада ортаётир. Деҳқон буни алоҳида ҳисобга олиб иш кўриши зарур.

Бригадамиз коллективи долзарб дамларда агротехника қондаларига тўла амал қилиб, маккажўхори парваришини кунгилдагидек ташкил этдилар. Кунлар ниёб кетиши биланоқ биз ниҳолларни суғоришга киришдик. Бу —иккинчи сув. Биринчи суғоришдан сўнг экин авж олиб ўса бошлади, озиқлантириб, культивация қилингач, яна ҳам яхши ривожланаётир. Ҳозир маккажўхори экини қариб одам бўйи баравар бўлиб қолди. Сўта чиқарган туплар ҳам кўп. Тағин бир неча кундан сўнг 70 гектар майдондаги маккажўхорининг ҳаммаси сўталаб қолади. Эндиги вазифа — сўталарни кўпайтириш уларни сердон қилиб етиштиришдан иборатдир. Бунинг учун эса бир қатор агротехника комплекси тадбирларини изчил амалга оширишга тўғри келади.

Ҳозир ҳар гектар майдонда 50—55 минг туп кўчат бор. Биз бу кўчатларни ўрим-йиғим даврига қадар тўла-тўкис сақлаб қоламиз. Бунга эришмоқ учун эса экинни яна икки марта комплекс парваришдан чиқарамиз. Ҳозиргача қилинган уч культивацияни ҳисобга олсак, бутун вегетация даврида маккажўхори беш марта парваришдан чиқарилган бўлади. Бу ишларга кетган сарф-харажатлар ўзини қоплайди, ортиқча культивацияга ўрин қолмайди.

Бундан буён биз асосан маккажўхори ниҳолларини суғоришга зўр берамиз. Нега десангиз, экишдан олдин ҳар гектар майдонга 30 тоннадан гўғ солган эдик. Ҳозиргача ўтказилган парваришлар даврида эса гектар бошига 400 килограммдан суперфосфат солиб озиқлантирганмиз. Суғоришдан олдин ҳар гектар ердаги маккажўхори ниҳолларига 450 килограммдан карбомид берилганлигини ҳисобга олганда бенҳоя кўтарилган шу дамларда тупроқ қизиб, кўпчиб сувга талаби ошиб ётибди. Бундай кезларда суғоришни маромида, айниқса, кечаларн олиб борсак, экин янада авж олиб ўсади, кўпроқ тўқ ва сердон сўталар боғлайди. Шу йўл билан биз ҳар гектар майдондан 100 центнердан маккажўхори дони ва 550 центнердан кўкпоя етиштириш имконига эга бўламиз.

Маккажўхори парваришн билан боғлиқ бўлган юмушларнинг энг оғир ва кўп қисмини бажо келтириб қўйганмиз. Бу ишларни азамат механизаторларимиз билан сувчиларимиз сидқидилдан бажаришяпти. Шу ўринда уларнинг номларини тилга олиб ўтмасдан бўлмайди. Мана улар: механизаторлар Сафармат Шератов, Абдували Ўсаров, сувчилардан Чиллабой Аҳмедов, Тожи Рапиев, Знёвуддин Аҳмедов, Абдужалил Эргашев ва бошқалардир. Уларнинг ҳар бири маккажўхоридан мўл ҳосил етиштириш учун нимаики зарур бўлса, вақтсоатида сифатли қилиб бажаряпти. Шуларнинг ғайрат-шижоати туфали ҳосилдорликни ўтган йилдагига қараганда гектар бошига 22 центнер кўпайтирмоқчимиз.

Маккажўхорининг ҳозирги кунлардаги ривожи бу йил ҳосил барвақт етилиб пишишидан ва барча майдонларда кутилганидан ҳам зиёда дон ҳамда кўкпоя етиштирилишидан далолат бериб турибди. Биз парваришни бир дақиқа ҳам бўшаштирмасдан, ҳосил ўримйиғимига тайёргарликни кучайтириб юбордик. Маккажўхори ўрадиган техника ремонтдан чиқариляпти. Бошқа тайёргарлик ишлари ҳам ниҳоясига етказилмоқда.

Қаҳҳор УРОЗБОҚОВ,

Оҳангарон районидаги Собир Раҳимов номли совхоз маккажўхоричилик бригадаси бошлиғи.

# МУСТАҚИЛЛИКНИНГ БИРИНЧИ КУНИ

ВИКТОРИЯ (Сейшел оролларн). 30 июнь (ТАСС махсус мухбири). Сейшел давлати мустақиллигининг биринчи куни Виктория шаҳар стадионида тантанали маросим билан нишонланди. Бу маросимда янги мустақил давлат президенти Жеймс Менчем, бош министр ва министрлар кабинетининг аъзолари мамлакат конституциясига ва шу конституциядн нўйилган мақсадларга содиқ туришга қасамёд қилдилар.

Еш республика номига жаҳондаги кўпгина мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларидан кўпдан-кўп табриклар келмоқда. СССР Олий Совети Президиуми Раиси Н. В. Подгорнийнинг табрик мактуби Виктория радиоси орқали ўқиб эшиттирилди.

Г. СКОБЕЛЕВ.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"
# СПОРТ КЛУБИ

* ОЛИМПИАДАНИ КЎЗЛАБ
* ГТО КОМПЛЕКСИ ОЙЛИГИ
* ДОСААФЧИЛАР МАҲОРАТИ
* МИЛЛИЙ КУРАШГА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

## ЯНГИЙЎЛЛИК ЧЕМПИОН

АПРЕЛЬ ойининг охирлари эди. Марказий «Пахтакор» стадионининг камондан ўқ узиш майдонида шу қадимий спорт тури бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари бораётганди. Қизиқарли баҳслар тугашига бир кун қолганда таниқли камончи қиз тожикистонлик жаҳон чемпиони Зебинисо Рустамова билан суҳбатлашиб қолдик. Ушанда у ўзбекистонлик ўқ-ёйчилар ҳақида фикр билдириб, жумладан шундай ҳам деганди:

— Сизларда спортнинг бу нафис ва мардлар тури анча яхши ривожланаётганлиги сезилиб турибди. Имоним комилки, Оля Руленко сингари мерганлар тез орада Бутуниттифоқ миқёсидагина эмас, халқаро турнирларда ҳам энг кучлилар сафидан ўрин олишади...

Мана бугун йигирма бир ёшлик жаҳон чемпиони башорат қилиб айтган гаплар ҳақиқатга айланди. Зебинисо тилга олган Ольга Руленко Копенгагендаги Европа чемпионатидан бир эмас, учта олтин медаль билан Тошкентга қайтди.

Қайтди ҳам, яна сафарга— Минск шаҳрига учиб кетди ҳам. Белоруссия пойтахтида Оля кучли камончи қизлар билан бирга саралаш машқларида қатнашиб, олимпия терма командасидан ўрин олиш учун куч синашади. Минск шаҳрига кетишдан олдин эса биз у билан суҳбатлашдик.

**— Мен Янгийўл районининг Солнечное қишлоғида ўсиб вояга етдим. Спортга шу ерда муҳаббат қўйганман. Ҳамма болалар, синфдошларим сингари бўш вақтларимда бирор қизиқ ўйин билан машғул бўлардим. Баъзилар шахмат ўйинини севишса, айримлар енгил атлетикага ишқибоз эдилар. Мен бўлсам кўпроқ баскетбол, волейболни ёқтирардим. Умуман биз ўқиган 27-ўрта мактабда спорт ишлари анча яхши йўлга қўйилган, жисмоний тарбия ўқитувчимиз, спортнинг оташин жонкуяри Г. М. Силантьев ёшлар ҳар томонлама етук бўлиб ўсиши учун тинмай қайғурарди. Спортга бўлган қизиқишим ортишида ҳам Георгий Михайловичнинг хизмати катта. Устозим раҳбарлигида волейбол билан муттасил шуғуллана бошладим. Иккинчи катталар разряди нормативини бажардим...**

Олянинг мактаб давридаги спорт фаолияти фақат шу билан чекланмайди, албатта. У кўп марта мактаб ва район терма командалари составида қатнашиб, турли ёрлиқ ва совринларни қўлга киритди. Бундай олиб қараганда ана шуларнинг ҳаммаси бўлажак чемпионнинг ҳозирги улкан муваффақиятида пойдевор ролини ўйнаганлигини тушуниш қийин эмас. Лекин бутун мактаб даврида ўқ-ёйни хаёлига ҳам келтирмаган қиз қандай қилиб камондан отиш бўйича чемпион бўлиб қолди?

**—Ҳақиқатан камондан отишни ҳатто тасаввур қилмаганман. Мактабдан сўнг Тошкентга, ҳунар-техника билим юртига ўқишга келганимда ҳам анчагача волейбол ўйнаб юрдим. Бир куни билим юртимизга ўқ-ёйчилар тренери Г. Я. Збиковская келиб, камондан отиш бўйича секция ташкил этилганлигини, иштоқчилар ёзилиши мумкинлигини айтиб қолди. У яна бу спорт тури билан каттадан-кичик, қисқаси истаган кишилар бир хилда шуғуллана олиши ҳақида гапириб, бир неча мисоллар келтирди. Менга бу қизиқ тюлди. Галина Яковлевнадан мени ҳам секцияга аъзо қилиб олишини илтимос қилдим. Ушандан бери бу аёл менинг доимий устозим. Унинг раҳбарлигида қанчадан-қанча оғир машқлар, мусобақалар ўтиб кетди.**

Шу ўринда бир ўхшашлик ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Зебинисо Рустамова ҳам аввалига камондан отишни хаёл қилмаган. У кўпроқ шахматни ёқтирар, бу борада дурустгина муваффақиятларни ҳам қўлга киритганди. Фақатгина тасодиф Зебинисони қадимий спорт тури билан таништирди. Зебинисо ҳам бир қарашда ҳар қандай спорт қурашидан узоқдек туюладиган, ҳақиқатда эса ҳаяжонли ва гўзал ўқёй отишни севиб қолди. Бизнинг янгийўллик чемпионимиз спорт биографиясига назар ташласангиз унда ҳам шу ҳолни учратасиз.

...Баъзилар янгийўллик қизнинг муваффақиятини тасодифий деб ўйлашлари мумкин. Аслида бундай эмас. Ольга чемпионликни осонликча қўлга киритмади. Уч йиллик тинимсиз изланишлар, машақатли машқлар-у, мусобақалар уни маҳорат чўққисига олиб чиқди. Фақат шу йил бошидан бери ҳар хил мусобақаларда эришган натижалари ҳам О. Руленко бу муваффақиятга қанчалик қийинчилик билан етиб келганлигини яққол кўрсатади. «Меҳнат резервлари» Марказий советининг чемпионатида биринчи, Германия Федератив Республикасида бўлиб ўтган халқаро мусобақаларда еттинчи, кучли камончиларнинг бутуниттифоқ турнирида ўн биринчи, мамлакат биринчилигида тўртинчи ўринларни олиши ва ниҳоят, унинг сўнгги энг юқори натижаси — Европа чемпиони ва рекордчиси деган номларни қўлга киритиши...

— Ольга, сиз ўзингиз бунга қандай қарайсиз? Чемпион бўлишингизга ишонганмидингиз?

**— Очиғи бу ҳақда ўйлаб кўрмаганман. Мен Копенгаген**да асосан мамлакат терма командасига аъзо қилиб олган устозларимнинг юксак ишончини оқлашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Терма командадаги меҳрибон тренерлар мени мусобақада жуда қўллаб-қувватлашди. Чемпионатдан сўнг эса менинг голиб бўлишимга ишонганликларини, фақат бунга олдиндан ўзимга билдиришмаганлигини айтишди. Ўрни келганда терма командадаги дугоналарим ҳақида ҳам гапирмоқчи эдим. Зебо ва льववлик Валя Ковпан жуда катта ёрдам бердилар. Улар менга қараганда анчагина тажрибали камон отувчилардан ҳисобланишади. Минскдаги саралаш машқларида ҳам асосан уччаламиз олимпия терма командасидаги икки ўрин учун курашсак керак. Аммо тарози палласи кўпроқ улар томонида. Валя илгари ҳам олимпия ўйинларида қатнашган, Зебонинг қандай кучли ва иродали эканлигини эса ҳамма яхши билади...

Олянинг бу гапларини ишончсизликка йўймаслик керак. Одатда метин иродали, ўз маҳоратига ишонган, том маънодаги чинакам спортчиларгина рақиблар ҳақида шундай фикр билдириб, ўзларига келганда индамай ўтишади. Оля ҳам шундай спортчилардан. Унинг юзидаги болаларга ҳос табассум, сўзларидаги вазминлик чемпион улоғни шундай қўлдан бериб қўймоқчи эмаслигидан далолат беради. Қисқаси у терма командадан албатта ўрин олиш учун бор имкониятларини ишга солади. Биз кўпчилик спорт мухлислари қатори О. Руленко Минскда яна бир марта маҳорат кўрсатишига ва совет делегацияси составидан ўрин олиб, Монреал олимпиадасида республикамиз спорти байроғини яна ҳам баланд кўтаришига ишонч билдирамиз.

**ИИГИРМА бир ёшлик Европа чемпиони, Ўзбекистон физкультура институти сиртқи бўлимининг учинчи курс студенти О. Руленко Минск шаҳрига жўнаб кетишдан аввал область партия комитетида қабулда бўлди. Область партия комитетининг секретари ўртоқ А. М. Хўжаев унга янгиданянги муваффақиятлар тилаб, эсдалик совғалари тақдим этди.**

А. АБДУЛЛАЕВ.



Суратда: Европанинг мутлақ чемпиони О. Руленко (ўнгда) дугонаси Т. Тирова билан нишон олдида.

А. Авазов фотоси. (ЎзТАГ).

## РЕЙД ТУГАДИ, КЎРИК ДАВОМ ЭТАДИ

**«МЕҲНАТ ВА СССР МУДОФААСИГА ТАЙЁР» Бутуниттифоқ комплекси нишондорлари тайёрлаш ишини янада яхшилаш мақсадида ўтказилган рейд — текширувлар ниҳоясига етди. Область инспекцияси ва жамоатчи активлар кўмагида 250 дан зиёд физкультура коллективларига рейд уюштирилди. ГТО ойлиги жойларда спортни янада ривожлантириш, янги комплекс нишондорлари тайёрлаш ишлари сифатини оширишга катта ёрдам берди.**

**Корхоналарда, ўқув юртларида, колхоз ва совхозларда ва бошқа ташкилотларда спорт ишлари Бутуниттифоқ ГТО физкультура комплекси асосига қурилаётганлиги, физкультура коллективлари янгиянги спорт ишшоотларини бунёд этишаётгани қувонарлидир. ГТО комплекси жисмоний тарбия ва спортнинг асосий программаси ва нормативи қилиб** белгиланганлиги бежиз эмас.

ГТО комплексига норматив топширишда «Сплав» спорт клуби, қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, «Чимён» спорт клуби, Чирчиқдаги химия комбинати, Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхоз, Бекобод индустриал техникуми, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози, Оққўрғон районидаги Навоий номли колхоз ва бошқа кўплаб хўжаликлар олиб бораётган ишлар кишини қувонтиради. Бу хўжаликларнинг физкультура коллективлари ГТО комплекси бўйича жамоатчи инструкторларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга катта эътибор бермоқда. Нишондорлар тайёрлаш бўйича ўқув группалари иш планига эга, мусобақалар ҳамиша юқори савияда ўтади.

Лекин ҳамма жойда ҳам ГТО комплексига норма топшириш кўнгилдагидек эмас. Айрим жойларда бу иш ўзкўбўларчиликка ташлаб қўйилган. «Алмаликсвинецстрой» трести, Ангрен кўмир разрези, Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь», Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз, Оржоникидзе районидаги «Дўрмон» совхозларида ГТО комплекси нишондорлари тайёрлаш ишлари мутлақо қониқарсиз олиб борилмоқда.

Рейд давомида айрим физкультура коллективларида комплексга норма топширолмаган ёшларни ҳам бажарганлар қаторига қўшиб юбориш ҳоллари учради. Кўрик давомида ГТО нишонини олган 2536 йигит-қиз қайта текшириб кўрилганда буларнинг 400 дан зиёди ГТО талабларини бажара олмади.

Ойлик тугади. Аммо ГТО комплекси нишондорларини тайёрлаш ишлари кўриги давом этмоқда.

## ГТО НИШОНДОРЛАРИ

Совхозимиз дирекцияси ва партия ташкилоти сертармоқли хўжалигимизни ҳар томонлама юксалтириш билан бирга кишиларимизнинг саломатлиқ гарови бўлган спортга ҳам жиддий эътибор бериб келаяпти. Ҳозирги кунда Навоий номли, М. Чачи номли, «Тинчлик» бўлимларида стадионлар ёшлар ихтиёрига бериб қўйилган. Беш йилликнинг охирига бориб, совхознинг барча бўлимларида футбол майдонлари, спорт комплекслари қуриб битказиш мўлжалланган. Совхоз марказидаги 3,5 минг кишилик «Пахтазор» стадиони ёшларнинг севимли жойига айланган. Бу ерда 8 та спорт секцияси мунтазам ишлаб турибди.

Совхозда баскетбол бўйича ҳамқишлоқларимиз Совет Иттифоқи Қаҳрамони Е. Уткин совғини учун, футбол бўйича Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Чачи совғини учун тез-тез мусобақалар ўтказиб турилади.

Хўжаликда С. Султонбеков, И. Долама каби спорт жонкуярларининг катта меҳнати туфайли юксак натижаларга эришилмоқда. Кўпгина спортчиларимиз район, область республика ва Бутуниттифоқ мусобақаларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишяпти. Футбол командамиз бутуниттифоқ «Олтин бошоқ» мусобақасининг бронза совриндорининг.

Шу кунларда ГТО комплексига норма топшириш уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Ҳозиргача 200 га яқин ёшлар ГТО комплекси нормативларини бажаришди. Спортга меҳр қўйган совхозимиз ёшлари ўқишда ҳам, меҳнатда ҳам илғорлар сафида боришмоқда.

Х. КАМЕКОВ,
Ленин орденли «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози комсомол комитетининг секретари.

## «СПОРТИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ»

«ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ» нашриёти Ватанимиз спорт шуҳратини шоншарафга буркаган ажойиб спортчиларимиз ҳамда бир қатор чет мамлакатларнинг энг кучли спортчилари таржимаи ҳоли билан таништиручи биографик справочникдан босмадан чиқарди.

Тўпламнинг биринчи қисмида жаҳон ва Европа биринчиликларида, олимпада ўйинларида, халқаро ва Бутуниттифоқ мусобақаларида юксак кўрсаткичга эришган совет спортчиларининг таржимаи ҳоли тўғрисида қисқача маълумот эълон қилинган.

Икки мингга яқин ажойиб спортчининг босиб ўтган йўли ҳақида маълумот берувчи биографик справочникдан республикамиз вакиллари, жаҳон чемпионлари, олимпада совриндорлари, рекордчилар ва чемпионлар Руфат Рисқиев, Рустам Казаков, Сергей Диамидов, Светлана Бабанина, Равиля Прокопенко (Салимова) ва бошқаларнинг ҳаёт номлари ўрин олган.

## ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

Спорт клубимиз ёшлар ўртасида спортнинг техник турларини кенг тарғиб этишда катта иш қилиб келмоқда.

Шу вақтгача клубимизни жуда кўплаб кишилар битириб чиқишди. Улар ҳарбий-техника спорт турларини мукаммал ўрганиб, Ватан олдидаги хизмат бурчини ўташга йўл олишди. Бунда клубда олган билимлари жуда қўл келди.

ДОСААФ спорт-техника клубимиз яқин вақтларгача фақат шоферлар ва радио ҳаваскорлари тайёрлаш билан машғул бўларди, холос. Спорт турларини тарғиб этиш, секциялар ташкил этиш учун имкониятимиз йўқ эди. Утган йили автомобиль, мотоцикл, картинг, мерганлик турлари бўйича тўгараклар очишга муваффақ бўлдик. Бу ишга тажрибали педагоглар жалб этилганлиги туфайли қисқа муддатда сезиларли ютуқларни қўлга киритдик.

Биринчи йилнинг ўзидаёқ танкчилар кунига бағишлаб ўтказилган мотоциклчи спортчиларнинг область мусобақасида иккинчи ўринни эгалладик. Картинг бўйича ўтказилган шаҳар биринчилигида учинчи бўлдик. Мастерлиққа номзод Е. Логинов, биринчи разрядли В. Чертков, Д. Грицин, Ю. Агафонов ҳамда қобилиятли спортчиларимиз А. Рухалик, Ю. Александровлар мусобақадан мусобақага маҳоратини ошириб боришмоқда.

Утган йили спорт клубимизда 180 киши учинчи класс шофери, 150 киши иккинчи класс шофери, 100 дан зиёд ёшлар мотоцикл ҳайдовчи ҳамда радио-телевидение устаси гувоҳномасини олди.

Спорт-техника клублари ўртасида ўзаро мусобақада голиб чиқиб, ДОСААФ республика комитетининг ёрлиғи билан тақдирландик.

А. ТОШНИЕЗОВ,
ДОСААФ Киров район спорт-техника клуби бошлиғи.

## МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

▲ АЕЛЛАР командалари ўртасида Ўзбекистон ССР телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитети совғаси учун республика шахмат фестивали ниҳоясига етганлигини ва бунда областимиз спортчилари ғалаба қозонганликларини хабар қилган эдик. Мусобақаларнинг сўнгги кунида шахсий ҳисобда голиблар ҳам аниқланди. Финал учрашувлардан сўнг Тошкентлик Р. Портон фестиваль голиби деб топилди. У тўқ-қиз имкониятдан тўққиз очко тўплади. Иккинчи ўринни саккиз очко билан самарқандлик Р. Коссе ва учинчи ўринни олти очко билан областимиз вакили Н. Щевцовалар ишғол қилишди.

▲ ТУРТ КУН давомида Тошкент денгизида сув мотор-спорти бўйича ўсмирлар ва катталар ўртасида республика чемпионати бўлиб ўтди. Қизиқарли мусобақаларда ўсмирлар ўртасида Тошкент шаҳри командаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринни Самарқанд, учинчи ўринни Тошкент области вакиллари ишғол қилишди. Катталар ўртасида ҳам совғини ўринлар шундай тартибда тақсимланди.

## АВВАЛГИ ДОВРУҒ ҚАНИ?

Партия XXV съезди қарорлари асосида республикамизда физкультура ва спортни янада ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ҳозир бу борада кўпгина янги тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети коллегияси Шофирқон районидаги «Шофирқон» колхози физкультура ва спорт коллективи иш фаолиятини кўриб чиқди. Хўжалик спортчилари яқинда республикадаги барча қишлоқ ёшларига мурожаат қилиб, ўз эммаларига ўннинчи беш йилликда йилига камида бир СССР спорт мастери, 15 спорт мастерлигига номзод, 95 биринчи разрядли спортчи тайёрлаш ва ҳар бир дала шийпони олдида оддий спорт майдончалари яратиш мажбуриятини олишган ва бошқаларни ҳам шу ташаббусга эргашишга чақирган эдилар.

Яқинда шофирконликлар мурожаати билан танишиб, пойтахт областидаги баъзи хўжаликларда спорт ишлари қандай йўлга қўйилганлиги билан қизиқдик.

Лекин биз танишган Юқори Чирчиқ районидаги бир қатор колхозларда иш қутилганидек бўлиб чиқмади. «Гулистон» ва «Коммуна» колхозларида физкультура ва спорт масалаларига етарли даражада эътибор берилмаётганлиги аққол сезилиб турибди.

— Бир пайтлар бизнинг ёшлар севиб шуғулланган миллий кураш ҳам деярли унутиб қўйилмоқда, — дейишди бизга паркентлик нуроний отахонлар. — Ваҳоланки, илгаридан паркентлик курашчиларнинг довруғлари анча узоқ-ларга тарқалган эди.

Аҳвол билан танишиб, отахонларнинг гапида жон бор эканлигига яна бир марта ишонч ҳосил қилдик. Райондаги кўпгина хўжаликларда спорт моддий базасини яратиш иши қониқарли эмас, физкультура ишларини олиб боришни керак бўлган инструктор вазифасини эса бунга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган кишилар бажармоқдалар. Чунончи, «Коммуна», «Гулистон», Калинин номли колхозларда физкультура инструктори вазифасини нормаловчи ва бошқа касбдаги кишилар олиб боришмоқда. Шуниси ачинарлики, бир пайтлар бу хўжаликларда миллий кураш гуркираб ривожланган эди. Калинин номли колхоз полвонларининг олдига тушадиганлар республикада ҳам тошилмасди. Гултўра полвон Тўлаев, Кушанполвон Пўлатов ва бошқалар номини мухлислар ҳалигача ҳурмат билан тилга оладилар.

### ҚИШЛОҚДА ФИЗКУЛЬТУРА ПРОБЛЕМАЛАРИ

Спортга, хусусан курашга бўлган қизиқишнинг пасайиб кетганлигига «Пахтакор» жамияти район Совети ҳам маълум даражада айбдордир. Спорт жамияти ҳар йили хўжаликлардан катта-катта миқдорда взнос ундириб олади-ю, амалий ёрдам беришга келганда эса ўзини олиб қочади.

Модомики, кураш ҳақида гап очилган экан бу миллий спорт тури бутун областимизда қандай аҳволда эканлиги тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Сирасини айтганда миллий курашни оммавийлаштириш ишлари бизда қониқарсиз олиб борилмоқда. Айниқса шаҳарларда аҳвол чатоқ. Лекин область физкультура ва спорт комитетидаги масъул кишилар эса бунга пашша орасидан қарамоқдалар.

Курашга ана шундай бефарқ қараш оқибатида пойтахт области полвонлари ўз мавқеларини бериб қўйдилар. Мана бир оддий мисол. Шу йил область физкультура ва спорт комитетининг календарь планига мувофиқ февраль ва апрель ойларида биринчилик ўтказилиши керак эди. Лекин мусобақалар бўлмади, республика мусобақаларига эса областимиздан фаттина Пискент райони курашчилари боришди холос. Улар ҳам область биринчилиги ўтди деган қалбаки ҳужжат билан боришди (область мусобақаларисиз республика беллашувларига қўйилмайди). Натижада ўтган йили биринчи ўринни олган область терма командаси бешинчи ўринга тушиб қолди. Агар фақат Пискент районидагина эмас, Вўсатонлиқ, Чиноз, Оҳангарон, Янгийўл, Калинин ва бошқа районларда ҳам миллий курашни ривожлантиришга эътибор берилганида область командалари йирик мусобақаларда доим голиблар сафидан ўрин олиши мумкин эди.

Энди яна юқорида бошлаган суҳбатимизга қайтиб, инструкторлар, физкультура ва спорт ишлари савияси ҳақида тўхталиб ўтсак. Биз Юқори Чирчиқ район «Пахтакор» жамиятидаги ҳисоботлар билан танишиб чиқдик. Уларга қараганда «Коммуна» колхозида 70, Калинин номли колхозда 668, «Гулистон» колхозида эса 760 физкультурачи бор эмиш. Қизиқ, бу хўжаликларда ҳеч қандай физкультура иши олиб борилмайди-ку, шунча физкультурачи рўйхатда қандай пайдо бўлди. Ана шундай қалбаки ҳисоботларга область «Пахтакор» жамиятида ҳам ишониб қолганлар шекилли. Улар қуйи ташкилотлар ишини текшириш, уларга раҳбарлик қилишни эсдан чиқарганлар.

Т. ОДИЛОВ,
спорт ветерани, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер.

М. САТТОРОВ,
«Муштум» журнали ходими.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ
42-РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1976—1977 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИ МАЛАКАЛИ ТРАКТОРЧИ-МАШИНИСТЛАР ВА ЭКСКАВАТОР МАШИНИСТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

Ўқиш муддати — 1 йил.

ЎҚИШ ИЮЛЬ ВА АВГУСТ ОЙЛАРИДА БОШЛАНАДИ.
АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Ўқувчилар ётоқхона, уч маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак 10 сўмдан 20 сўмгача стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртига кирувчилар: Ўқишга юборилганлиги ҳақидаги колхоз ёки совхоз маъмуриятининг йўлланмаси, паспорт ёки туғилганлик ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида ҳужжат, турар жойидан справка, оилавий аҳволи ҳақида ҳужжат, соғлиғи ҳақида медицина справкаси (286 форма); билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳоли; 3X4 см катталигидаги 4 дона фотосурат топширадилар.

Мурожаат учун адрес: Ўрта Чирчиқ район, Ким Пен Ха номли колхоз.

## Реклама ва эълонлар

### Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ 1-А «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00— Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30— Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун. 11.15 — Театр ҳақида ҳикоялар. 12.15 — Халқ ижоди. 14.55— Ҳужжатли фильм. 15.35 — «Пакет». 16.05— Жонажон мамлакатимиз бўйлаб. Қозоғистон ССР. 16.35— О. Гончар ижоди. 17.20— Ханжар (3-серия). 18.30 — Москва ва москваликлар. 19.00 Янгиликлар. 19.15 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 19.25 — Уруш тугади — кураш давом этмоқда (телефильм). 20.25— Концерт. 20.55 — Бадиий фильм. 22.00— «Вақт». 22.30— «Оқ тунлар» санъат фестивали.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30— Мультфильм. 12.10 — Фильм-концерт. 12.30 —Ҳасан араванаш (бадиий фильм). 18.25 — Кўрсатувлар программаси. 18.30—«Оқ йўл». 19.00— Жанговар постда. 19.30 — Телеочерк. 19.45 — «Ахборот». 20.00— Кино оламида. 21.00— «Ахборот». 21.20 — Бир саҳнали балетлар. 22.00 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — «Ноз-неъмат бунёдкори». 22.50 — Манба (2-серия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00— Тошкент. 19.05 — Мультфильм. 19.15 — Мавсумнинг ёпилиши (бадиий фильм) 20.45 — Тошкент янгиликлари. 21.00— Физика.

### Кино

ҚИШКИ БИНОДА
2 июлда

Катта пойга — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «НУКУС», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Мистер Мак Кинлининг қочиши — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 13, 16, 17, 20.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИҒИ» (12, 14.30, 17, 20.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 15, 18, 21.00).

Қайта тикланган никоҳ — —«ҚОЗОҒИСТОН» (11, 15, 19, 21.00),

Пан Володиевский — «ҲАМЗА номли (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

ЁЗГИ БИНОДА

Катта пойга — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.50).

Қайта тикланган никоҳ — «ХИВА» (20.50, 22.10).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ХОН—ГИРЕТ ОТЛАР ЦИРК ПАНТОМИМАСИ (19.30). Билетлар сотилмоқда.

ЯНГИЙЎЛ ШАҲАР
18-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1976-77 ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ТЕХНОЛОГИК ЖИҲОЗЛАРИНИ СОЗЛОВЧИЛАР, САНОАТ ЖИҲОЗЛАРИНИ ЙИГУВЧИ-СЛЕСАРЛАР, МЕБЕЛЬ УСТАЛАРИ, ТОКАРЛАР, САНОАТ ЖИҲОЗЛАРИНИ РЕМОНТ ҚИЛУВЧИ СЛЕСАРЛАР, АВТОМОБИЛЛАРНИ РЕМОНТ ҚИЛУВЧИ СЛЕСАРЛАР, ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИЛАР, ДУРАДГОРЛАР.

Ўқув муддати— бир ва икки йил.
ЎҚИШ — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқувчилар пулсиз 3 маҳал овқат, кийим-бош ва бошқа жойдан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ҳунар мактабига 8, 9, 10-синфни битирган 15—17 ёшдаги йигит-қизлар ва ҳарбий хизматни битирганлар қабул қилинади.

Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: ариза, шаҳодатнома (8, 9, 10-синфни битирганликлари тўғрисида), паспорт (ёки гувоҳнома), турар жойидан справка, 6 та фотосурат, (5X6 см.), характеристика.

Мурожаат учун адрес: Янгийўл шаҳар, Туркман боғи, Телефон: 53-75.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029. ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, эълонлар — 338142.

Р—20084. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси № 26. Индекс 64633. В—2593.